O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BALATASI
290901

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 26 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 75 (7374)

Da'vat

Ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя, бирор ҳайратомуз нарса яратиш учун эса қанчадан-қанча йиллар керак.

Клод ГЕЛЬВЕЦИЙ

Ibrat

"ЭКОСАН" жамғармаси томонидан "Оролбўйи оналари ва болаларига" дастури доирасида Урганчга махсус рейс билан дори-дармонлар, даволаш-озиқлантириш ва дезинфекция қилиш моддалари, болалар кийим-кечаклари ҳамда сув насосларидан иборат инсонпарварлик ёрдами етказилди.

Taqdimot

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон жаҳон тарихи саҳифаларига ёшларга жуда катта эътибор қаратган мамлакат сифатида кирса, не ажаб. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамиз ҳукумати, Юртбошимиз бутун диққат-эътиборини мамлакатимиз ёшларига қаратмоқда. Мана шу эътибор самараси ўлароқ, бир қанча тенгдошларимиз кўрсатган хизматлари учун тарихий китоб қаҳрамонларига айланди.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театри биносида мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "XXI аср: истиқболимиз тимсоллари" китобининг тақдимот маросимига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Маросим ҳақиқий байрам бўлди, десак асло муболаға қилмаймиз. Чунки бу ерга тўпланганлар китоб қаҳрамонлари: довруғи дунёга достон спортчиларимиз, санъат, илм-фан оламида ўз салоҳиятини намойиш этиб, Ватанимизни дунёга танитган йигит-қизларимиз, Президент стипендияси, "Зулфия" ҳамда "Ниҳол" мукофотлари совриндорлари билан юз кўришдилар. Тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов очар экан, ушбу альбом-китоб ташаббускори Президентимиз Ислом Каримов эканлигини таъкидлаб ўтди.

Китоб қаҳрамонлигига муносиб деб топилган 300 га яқин 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар Ватанимизнинг, миллатимизнинг қаҳрамонларидир. Маросимга ташриф буюрган китоб қаҳрамонларидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулжамол Асқарова, "Ниҳол" соҳибаси Ирода Йўлдошева, истеъдодли ёш мусаввир Дилфуза Матбобоева, республикамизнинг фахри, ифтихорига айланиб улгурган боксчилар — Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, республика каратэ федерациясининг президенти Нурхон Нафасов ва бошқалар ўз тенгдошлари ва барча китоб қаҳрамонларини табриклар экан, республикамиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга, ўзбек халқини халқаро доираларда янада яхшироқ танитишга ҳаракат қилишларини таъкидлаб ўтдилар. Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов тантанада шахсан иштирок этолмаса-да, олис Ботуми шаҳридан телеграмма орқали йигилганларни қизғин қутлади. Шунга ўхшаш телеграмма уммон орти диёри, олис Америкадан Алексей Султонов томонидан ҳам йўлланди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, айни пайтда Рустам Қосимжонов шахмат қироли Гарри Каспаров билан беллашишга тайёргарлик кўрмоқда.

Санъаткорлар — Лариса Москалева, Севара Назархон, Достон Убайдуллаев, Абдулазиз Карим сингари хонандалар ўз қўшиқ ва куйлари билан давра файзига янада файз қўшишди.

Мана шу тақдимот маросимидан бир кун ўтиб, боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев ҳамда Қувончбек Тайганбоевларнинг Юнусобод спорт саройида бокс бўйича профессионал жанги бўлиб ўтди. Ушбу жангда юртимиз фарзандлари яна бир карра нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Чарм қўлқоп усталари рингга чиқишдан бир кун аввал тақдимот маросимида барча йигилганларга "Биз Президентимиздан фотиҳа олганмиз, худо хоҳласа, мана шу профессионал жангда ҳам ўзбек ўғлони нималарга қодир эканлигини кўрсатамиз", дея ваъда берган эдилар.

Йигит сўзидан қайтмайди. Ўзбек ўғлонлари сўзлари устидан чиқдилар. Ўз юртида, ўз халқи кўз ўнгида рақиблари устидан тўла-тўкис галаба қозонишди.

Улар учун халқ ишончи, миллат гурури, Юртбоши эътибори куч-қудрат манбаи бўлган бўлса, не ажаб!

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли,
"Маърифат" мухбири



ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

1 oktabr — O'qituvchilar va murabbiylar kuni

Келажагимиз бўлмиш ёшларни маънавий етук ва билимли этиб тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёсдир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган ушбу касб эгаларига алоҳида ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Юртбошимизнинг шахсий ташаббуси билан бошланган, ҳеч бир давлатда бунга ўхшаши бўлмаган — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни мана бир неча йилдирки, республикамизда умумхалқ байрами сифатида катта шодиёналар билан нишонланмоқда. Маълумки, ҳар йили ана шундай тароватли кунларда миллат келажаги учун толмай меҳнат қилаётган, иродаси бақувват, иймони бутун, Ватани ва халқига фидокор комил инсонларни вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган заҳматкаш ва фидоий инсонларни халқимиз яна бир бор олқишлайди, эъзозлайди.

Ҳафта бошида республика Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда ўқитувчилар ва мураббийларнинг бу йилги касб байрамини юқори савияда ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди. Йиғилишда халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев асосий тадбир ўтказилиши мўлжалланаётган "Туркистон" саройида шу кунгача амалга оширилган ташкилий ишлар хусусида ахборот берди.

Тошкент ШХТББ бошлиги Ислом Зокиров байрам кунлари пойтахт туманлари марказларида умумхалқ сайиллари уюштирилиб, уларда турли спорт ўйинлари, китоб савдолари, кўргазмаларнинг ташкил этилиши тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, байрам тадбирларида таниқли санъаткорларнинг чиқишлари кутилмоқда.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов йиғилишни якунлар экан, мазкур байрамнинг кўтаринки руҳда, юқори савияда ўтказилиши халқимизнинг ўқитувчи-мураббийларга бўлган юксак эҳтироми ифодаси бўлиб қолишини таъкидлади.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

"Yil o'qituvchisi-2001"

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА АКС ЭТГАН ЛАҲЗАЛАР

ёхуд ривожланаётган таълим кўриги

Бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши керак? Саволнинг бундай тартибда қўйилишидан бироз таажжубланган муштарий "Албатта, ўз касбининг билимдони бўлиши керак-да?" дейиши табиий. Тўғри, ўқитувчи билимдонлиги муҳим фазилат. Лекин фақат шугина эмас. Ўқитувчи ўзидаги бор билимини ўқувчиларга етказа олиши, яъни педагогик маҳоратга эга бўлиши ҳам лозим. Етказганда ҳам замонавий илғор усулларни қўллай олиши, янги педтехнологиялардан ўринли ва самарали фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Шундай деймизу яна саволлар туғилаверади. Фақат шу уч фазилат бўлса кифоями? Йўқ, албатта.

Энг муҳим фазилатни энди айтмоқчимиз. Ўқитувчи, аввало, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, фидоийлиги, инсонийлиги билан ёш кўнгилларда одамийлик гулханини ёндира олиши лозим.

Уч кундан бери РТМда, Миробод туманидаги 110-мактабда давом этаётган "Йил ўқитувчиси-2001" республика кўрик-танловида иштирокчилар — Нукус шаҳридаги 31-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ардах Муротбоева, Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 23-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Маллабоева, Бухоро вилояти Когон туманидаги 11-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ҳилола Ражабова, Гулистон шаҳридаги 5-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси Дилфуза Рустамова, Жиззах шаҳридаги 6-мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси Рустам Муродов, Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ҳожибегим Очилова, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 40-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулчеҳра Абдураҳимова, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳайё Ҳалимова, Термиз шаҳридаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Зиёвуддинова, Тошкент шаҳридаги 69-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ирода Саибова, Тошкент вилояти Пискент туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Раҳима Мирҳолиқова, Фар-ғона вилояти Боғдод туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шоҳистахон Сиддиқова, Қарши шаҳридаги 21-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шаҳло Ибрагимова ҳамда Хоразм вилояти Шовот туманидаги 21-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ойимжон Йўлдошевалар ана шундай фазилатларни намойиш қилмоқдалар.

(Давоми 3-бетда)

Qaror va ijro

ОЛИЙ ТАЪЛИМ:

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ҳозирги вақтда давлат органлари, муассасалар ва ташкилотларнинг бакалавр ва магистрлар учун мўлжалланган лавозимлари рўйхати ишлаб чиқилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январидаги 5-сон "Узлуксиз таълим тизими учун давлат Таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги қарорини бажариш борасида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими қаторида олий таълим тизимлари учун давлат таълим стандартлари яратилди. Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августидаги 343-сонли Қарори билан тасдиқланди. Улар тажриба-синовдан ўтказилди. Ютуқ ва камчиликларнинг илмий таҳлили Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели Ўзбекистоннинг танлаган ўзига хос, ўзига мос йўли тўғри эканлигига ишонч уйғотиши билан бирга, ўз тажрибамиз ва жаҳон таълим тизимида рўй бераётган ривожланиш анъаналарини инобатга олган ҳолда, Давлат таълим стандартларини такомиллаштиришга имкон яратди.

Хўш, бу стандартларни яратишда нималарга эътибор қаратилди? Унинг ўзига хос томонлари ва амалиётга жорий этиш вазифалари хусусида мухбиримиз Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори, профессор Эркин ИМОМОВ билан суҳбатлашди.

— Давлат таълим стандартларини яратишда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари ҳуқуқий асос қилиб олинган. Айтинг-чи, олий таълим давлат стандартлари нимани белгилайди?

— Олий таълимнинг давлат таълим стандарти кадрлар тайёрлаш сифатини, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни, битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий малака талабларини, ўқув юкламасининг ҳажмини, кадрлар тайёрлаш сифати ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни белгилайди.

— Стандартдаги таълим мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳақида гапирдингиз. Шуни чуқурроқ изоҳлаб берсангиз?

— Таълим дастурларини яратишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий параметрларида кўзланган мақсадларни амалга ошириш асосий омил ҳисобланади. Шу мақсадда таълим дастурлари мазмунига умумий талаблар доирасида ўқув фанлари мазмунига ҳам умумий талаблар белгилаб қўйилган. Масалан, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар талабаларда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши, миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши керак. Бунинг натижасида талабаларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳи ривожлантирилади.

Буларнинг барчаси таълим ва тарбия жараёнида мус-тақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади. Математик ва табиий-илмий фанлар эса умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда, билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни кенгайтиради.

(Давоми 2-бетда)

ҚАЛБГА БИТИЛГАН ИНШОЛАР

"Бизникига америкалик меҳмонлар келишган эди, дадамнинг кўчадан челакда сув олиб кирганини кўриб бир ажнабий амаки "бир челак сувни неча пулга сотиб олдингиз", деб сўради. Дадам ҳам, оиламизнинг бошқа аъзолари ҳам, улар қатори мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдик. Сувни пулга олиш, деган гапни биринчи эшитишим эди. Кейин кўп нарсаларни ўйладим. Демак, айрим давлатларда сув пулга сотилар экан, демак ўша давлатлар аҳолиси: катталар ҳам, болалар ҳам сувнинг нечоғли қиммат ва қадрли нарса эканлигини билишади, демак улар сувни биздан кўра кўпроқ қадрлашади ва бир томчисини ҳам исроф қилмасликка ҳаракат қилишади. Ахир, бир томчи сув бир дона гиёҳнинг кўкариб кетиши учун кифоя қилади-ку".

***

"Мен Орол денгизининг бутунлай қуриб кетмаслигига ишонаман. У яна тўлибтошиб, мавжланиб турадиган кунлар келади. Орол сувининг кўпайиши учун, энг аввало, ҳар биримиз сувнинг бир томчисини ҳам бехуда сарф қилмаслигимиз, сув қувурлари жўмракларидан бекорга оқиб ётган сувни кўрганимизда, жўмракни бекитиб қўйишни ўрганишимиз керак".

***

"Мен иншо ёзиш давомида кўпгина янги-янги халқ ҳикматларини, ривоят ва афсоналарни, сув ҳақидаги шеър ва мақолларни ўргандим. Айниқса, менга ота-боболаримизнинг сувга бўлган ҳурмати, сувнинг бир қатрасини ҳам муқаддас билиб асраб-авайлашгани, сувни ифлослантирмасликка ҳаракат қилишганлиги ҳақидаги ривоятлар, эртаклар жуда ёқди".

***

"Ариқдан сув узилмаса, саватдан нон узилмас", "Сув келди, нур келди", "Сув келтирган элда азиз".

***

Юқоридаги фикрларнинг барчаси куни кеча Республика таълим марказида бўлиб ўтган, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF Агентлиги, Агентликнинг Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи, Халқ таълими вазирлиги ҳамда газетамиз ҳамкорликда ўтказилган ўзига хос "Мен—Отам—Бобом (Мен—Онам—Момом) сувнинг аҳамияти ҳақида" деб номланган иншолар танловининг якуний босқичида айтилди.

Тўғриси, мазкур танлов бу қадар барчани қизиқтиришини ва мактаб ўқувчилари ўртасида оммалашиб кетишини ҳеч ким кутмаган эди. Ушбу танловда нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари, бобо-момолари ҳам ўз ҳаётий хотиралари, сувнинг муқаддаслиги билан боғлиқ бўлган қизиқарли ва ғаройиб воқеа-ҳодисаларни фарзандларига сўзлаб бериш орқали фаол иштирок этди, дейиш мумкин. Республикамиз ўрта умумтаълим мактабларининг 3,5 миллион нафарга яқин юқори синф ўқувчилари ота-оналари, бобо-момолари ёрдамида ёзган иншолари билан танловда иштирок этишганлиги фикримизнинг нечоғли тўғри эканлигини билдиради. Бу иншоларда сув ва уни асраб-авайлаш, тежаб-тергашнинг аҳамияти ҳақидаги самимий, болаларча беғуборлик билан фикр-мулоҳаза, таклифлар билдирилган. Айниқса, бобо-момолар тилидан ёзиб олинган сув билан боғлиқ ҳикматли сўзлар, халқ қўшиқлари, панд-насиҳатларнинг кўплиги халқимизнинг азал-азалдан сувни табаррук билиб, ҳар бир зарасидан унумли фойдаланишга интилганлигини кўрсатади. Иншолар танлови яна шуниси билан аҳамиятлики, иншоларнинг аксарияти сув ҳақидаги мақоллар, маталлар, ривоят ва афсоналарнинг унутилиб кетмаганлигини кўрсатди ва бу иншолар орқали келгуси авлодга ҳам етиб бориши учун замин ҳозирланди.

Шундай қилиб, бундай катта тадбирнинг ўтказилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида икки оғиз сўз.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбарларидан туриб Оролбўйи ҳудудидаги экологик муҳит ҳақида қуйиниб гапирганидан сўнг қўплаб хорижий ташкилотлар Оролни асраб қолиш, уни қуриб кетишдан сақлаш мақсадида ўз кўмакларини бера бошладилар. Оролни асраш халқаро қўмитасининг GEF Агентлиги ана шундай лойиҳалардан бирини амалга оширмоқда. Ушбу Агентлик Оролбўйи минтақаларида ўз миллий ишчи гуруҳларига эга. Улардан бири Ўзбекистон Миллий ишчи гуруҳидир. GEF Агентлигига Жаҳон банки ўз ёрдамини бермоқда. Лойиҳа йўналишларидан бири одамлар қалбида сувга бўлган меҳрни уйғотишдир. Шу мақсадда GEF Агентлиги, Агентликнинг Миллий ишчи гуруҳи ўқувчилар ўртасида сув ҳақидаги иншолар танловини ўтказиш фикри билан чиқди ва Халқ таълими вазирлиги, "Ma'rifat" газетаси билан ҳамкорликда иш бошлади.

Ўтган йили бошланган ушбу танлов ниҳоясига етди, ғолиблар аниқланди, газета мухлисларининг хабари бор, ғолиб иншоларнинг айримлари "Ma'rifat" газетасида чоп этилди.

Танлов эълон қилинганда ғолиб ўқувчиларни тақдирлаш, танловда фаол иштирок этган болаларни рағбатлантириш ҳақида ҳам гап борган эди.

Яқинда ғолиб ва рағбатлантирувчи ўринга сазовор бўлган, яна танловда фаол иштирок этган 42 нафар ўқувчи ҳамда уларнинг муаллимлари, ота-оналари Тошкентга йиғилишди.

(Давоми 4-бетда)

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига "Миллий театр" мақомини бериш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда 2002 йилги давлат бюджети ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари лойиҳалари кўриб чиқилди.**

• **АҚШда содир этилган террорчилик хуружи оқибатида ҳалок бўлган инсонлар 60 дан ортиқ мамлакат фуқаролари бўлиши мумкин ва ҳозиргача 7 мингга яқин бедарак йўқолганлар мавжудлиги ҳақида хабарлар бор.**

• **Октябрь ойида Шимолий ҳамда Жанубий Корея давлатлари вакиллари ўртасида навбатдаги учрашув ўтказилиши режалаштирилмоқда ва унда икки давлатни боғловчи темир йўл қурилиши, табиий офатларга қарши ҳамкорликда курашиш каби масалалар кўриб чиқилади.**

• **Афғонистон шимолида толибон ҳаракати ва Шимолий иттифоқ қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда ва Балх вилоятида юз берган ана шундай жанглар натижасида 80 нафар толибон аскарлари ҳалок бўлди, 200 дан зиёд жангчи ҳибсга олинди, дея хабар беради "Асошиэйтед-пресс" агентлиги.**

Энди ҳурматли муаллимлардан ушбу йўналишда фидойилик, ижодкорлик талаб этилади. Зеро, миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг онгимиз орқали қалбимиз, юрагимиздан ўрин олсагина, бу йўлдаги муваффақиятимиз тўкис бўлади, юртпарварлар кўпаяди.

Ўйлаймизки, давлат таълим стандартлари ижросини таъминлаш кадрлар сиёсатини амалга оширишдаги муҳим қадам бўлади.

ЯНГИ МАНБАЛАР

Дунёда содир бўлаётган воқеалар, айниқса, урушлару фитналар, террорчиларнинг қилмишлари муайян маънода бузғунчи ва зарарли ғоялар билан қуролланган мафкура полигонлари билан боғлиқ ҳодисалар, десак муболаға бўлмайди. Яқинда АҚШда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатлари, улар оқибатида минглаб бегуноҳ аҳолининг инсоният кўз ўнгида ҳалок бўлиши биз фарзандларимизга ўргатишни бошлаган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани орқали асл моҳияти очила бошлаган вайронкор ғоялар натижасидир.

Ёдингизда бўлса "Миллий истиқлол ғояси" рукни остида, газетамизда, бир неча мақолалар қаторида, "Илк манбалар" мақоласини эълон қилган эдик. Унда асосан илк манбалар — "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласи ва таълим муассасалари учун ўқув режа ва дастурлари тўғрисида маълумот берилганди. Мутахассисларнинг тинимсиз меҳнатлари натижасида ана шу режа ва дастурлар асосида янги дарслик, қўлланма ва қўшимча адабиётлар ёзилиб, чоп этилди.

Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталишни ният қилиб, ушбу мақоламизда бу манбалар ҳақида умумий маълумот беришни лозим топдик. Токи, бу фанлардан дарс берадиган халқ таълими, олий ва ўрта



тайёрланиб, "Янги аср авлоди" нашриётида 12 000 нусхада чоп этилган. Қўлланмани "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўқув фани бўйича махсус методологик комиссия тавсия этган.

Унинг "Кириш" қисмида Президентимиз асарлари асосида миллий истиқлол ғоясига яна бир бор ўзига хос шарҳ берилади:

"... Миллий истиқлол ғояси юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гуруҳ, дин, партия ёки қатлам вакили учун умумий мезондир. Шу маънода, у 130 дан зиёд миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон халқининг, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Ўзбекистонни, миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авайлаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларимизда ёт ва бегона ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бу ғоянинг асосий мақсад ва вазифасидир".

Китоб олти қисмдан иборат бўлиб, ўз ичига 13 та мавзуни қамраб олган. "Миллий истиқлол ғояси фанининг предмети, аҳамияти ва асосий вазифалари" деб номланган мавзу китобнинг биринчи қисмида берилган бўлса, иккинчи — "Миллий ғоя ва мафкуралар тарихидан" деб номланган қисмида "Ғоя ва мафкура тушунчалари", "Тарихий тараққиёт: ғоявий ва мафкуравий жараёнлар" мавзулари ўз акси топган. "Ҳозирги замонда инсон онги ва қалби учун кураш" деб номланган учинчи қисми "Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари", "Геосиёсат ва Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнлар" мавзуларига бағишланган. Тўртинчи қисм "Ўзбекистон тараққиёти ва мавфкуравий муаммолар" деб номланган бўлиб, унда "Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек модели" ҳамда "Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар" мавзулари ўрин олган. Қўлланманинг "Миллий истиқлол ғояси" деб номланган бешинчи қисмида "Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва мазмуни", "Миллий истиқлол ғоясининг мақсад ва вазифалари", "Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари" ҳамда "Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари" мавзулари ўрин олган. Ва ниҳоят, "Миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалби ва онгига сингдириш" деб номланган олтинчи қисмида "Ғоявий тарбиянинг услуб ва воситалари", "Миллий истиқлол ғоясини ёшларнинг онгига сингдиришнинг шакл ва йўналишлари" мавзулари берилган.

Диққатингизни яна қўлланманинг "Кириш" қисмига тортмоқчимиз. Унда ўқитувчи ва талабаларга ўзига хос мурожаат қилинган: "Қўлингиздаги китоб миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақидаги илк тажриба сифатида тақдим этилаётган асосий мавзулар тўпламидир. Сиз "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўрганиш жараёнида фақат мана шу тўплам билан кифояланиб қолмасдан, балки бошқа манбалардан ҳам унумли фойдаланасиз, деб умид қиламиз".

Қўлланмага академик Т.Рисқиев илмий муҳаррирлик қилган, ижодий гуруҳ раҳбари Х.Султоновдир.

Milliy istiqlol g'oyasi

махсус таълим тизими муаллимлари, фарзандлари тегишли синфларда ўқиётган ота-оналар чоп этилган янги дарслик ва қўлланмалардан хабардор бўлсалар. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" деб номланган олий таълим муассасалари учун тажрибавий ўқув қўлланмасининг сарварағида ушбу китобни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласига таянган ҳолда ёзилганлиги алоҳида таъкидланади.

Қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан





Худди шу номдаги, лекин ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларининг X-XI синфлари учун тажрибавий қўлланма ҳам юқоридаги китобга нисбатан ўқувчининг ёшига мослаб соддалаштирилган, десак нотўғри бўлмас.

Унда миллий истиқлол ғоясининг шаклланиш тарихи ва бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти, ғоя ва мафкура тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни, тарихий шакллари, фалсафий-тарихий манбалари, ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси, мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий масалалари алоҳида мавзулар бўйича ёритилган. Шунингдек, қўлланмада бугунги глобаллашув давридаги мафкуравий муаммолар, юртдошларимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгида мустаҳкам эътиқод, мустақил дунёқараш, мафкуравий иммунитет асосларини шакллантириш, турли ғоявий таҳдидларнинг олдини олиш, ғоявий тарбия билан боғлиқ маълумотлар берилган.

Мазкур тажрибавий қўлланма юқорида таъкидланган қўлланмага нисбатан яна бир жиҳати билан фарқ қилади. Унда ҳар бир мавзу бўйича амалий машғулотлар берилган бўлиб, дарснинг шакли, тури, тузилиши, амалий машғулот усули кўрсатиб берилган. Китоб сўнггидаги "Қўшимча мавзу" бўлимида ёзилган қуйидаги фикр диққатингизни тортиши шубҳасиз:

"Ушбу китобда берилган амалий машғулотлар мутлақ ўзгармас эмас. Балки ўқитувчилар улардан фойдаланган ҳолда, таълим муассасаларининг йўналиши ва мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда машғулотларни хилма-хил шаклда олиб боришлари ҳам мумкин".

Китоб Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида Файласуфлар миллий жамияти томонидан тайёрланиб, "Янги аср авлоди" нашриётида 15000 ададда чоп этилган.

Мақоламиздаги китобларнинг шарҳи мураккабдан оддийга томон кетаётган бўлишига қарамасдан, қўлланмалар оддийдан мураккабликка тамойилига асосланиб ёзилган. 7-8-9-синф ўқувчиларига мўлжаллаб ёзилган "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" ўқув қўлланмалари ҳам худди шу тамойилга асосланган.

7-синф ўқув қўлланмасини С.Нишонова, О.Мусурмонова ва М.Қаршибоевлар ёзишган. Қўлланма "Маънавият" нашриётида 50000 нусхада чоп этилган.

8-синф ўқув қўлланмаси ҳам М.Қаршибоев, С.Нишонова ва О.Мусурмоновалар қаламига мансуб бўлиб, у ҳам "Маънавият" нашриётида 100000 нусхада чоп этилган.

9-синф қўлланмасини О.Мусурмонова ва М.Қаршибоевлар ёзишган. Китоб 50000 нусхада "Маънавият" нашриётида чоп этилган.

Маълумки, миллий истиқлол ғоясини сингдириш биринчи синфдан бошлаб ўқув режасига киритилган. 1-4-синфларда бу фан элементлари "Odobnoma" фани мазмунига сингдирилиши кўзда тутилган эди.

1-синфлар учун "Odobnoma" дарслиги О. Ҳасанбоева муаллифлигида ёзилиб, у олти — ўзбек, тожик, рус, қирғиз, туркман ва қозоқ тилларида "Ўзбекистон" ва "Ўқитувчи" нашриётларида чоп этилди. Уни Халқ таълими вазирлиги нашрга тавсия этган.

2-синфлар учун чоп этилган "Odobnoma" дарслиги Қ.Абдуллаева, М.Юсупова ва С.Раҳмонбекова томонидан ёзилган. Халқ таълими вазирлиги тавсия этган мазкур дарслик "Меҳнат" нашриётида 100000 нусхада босилган.

3-синфлар учун "Odobnoma" ўқув қўлланмаси О.Ҳасанбоева, А.Неъматова, М.Туропова томонидан ёзилган. Қўлланма Халқ таълими вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилиб, "Тошкент Ислом университети" нашриётида 100000 адад билан чоп этилган.

4-синфлар учун "Odobnoma" ўқув қўлланмаси Халқ таълими вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган бўлиб, у О.Ҳасанбоева, А.Неъматова, Г.Ибрагимовалар муаллифлигида яратилган. Қўлланма Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида 500000 ададда чоп этилди.

Юқоридагиларни "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" деб номланган изоҳли кўргазмали воситалар тўплами янада тўлдиради, бойитади. Мазкур тўплам миллий истиқлол ғоясининг асосий мавзулари бўйича тайёрланган кўргазмали воситалар ва уларнинг маъно-мазмунига бағишланган бўлиб, унда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари чизмалар ва изоҳлар тарзида ёритилган. Ушбу китоб ҳам илк тажрибалардан биридир. Ундан маърузалар, амалий машғулотлар, суҳбатлар ва тарғибот-ташвиқот жараёнида фойдаланиш мумкин.

У Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланган бўлиб, "Янги аср авлоди" нашриётида 15000 нусхада чоп этилган.

Қолган айрим дарслик ва қўлланмалар ҳам тайёрланиш жараёнида. Тез кунларда улар ўқувчилар қўлига етиб боради. Энди ҳурматли муаллимлардан ушбу йўналишда фидойилик, ижодкорлик талаб этилади. Зеро, миллий истиқлол ғояси ҳар биримизнинг онгимиз орқали қалбимиз, юрагимиздан ўрин олсагина, бу йўлдаги муваффақиятимиз тўкис бўлади, юртпарварлар кўпаяди. Бундай инсонлар жамият ривожига ижобий таъсир қилади, халқ қудратига қудрат қўшади.





(Давоми. Боши 1-бетда)

Коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси, табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари, табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш ҳам бундай фанлар зиммасига юкланади. Демак, у муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим. Шу каби юқори талаблар умумкасбий, ихтисослик фанлари, магистратурада ўқитиладиган фанларга ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, таълим дастурлари мажбурий ўқув

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ТАСДИҚЛАНДИ

фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

ОТ ДТСда битирувчиларнинг малака даражасини эгаллаши маълум талаблар билан белгиланган. Бунга кўра, бакалавр дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши керак. Ватан тарихини билиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар юзасидан ўз фикрини баён қила олиш ва илмий асослай билиш, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи-назарга эга бўлиш ҳам муҳим мезон ҳисобланади. Табиат ва жамиятда кечаётган жараёну ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлган, бу ҳақдаги билимларни эгаллаган ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ўз касб фаолиятида фойдалана билган, инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонлардан тўла хабардорлик ҳам стандартларнинг таркибий мазмунини ҳосил қилади. Талаба касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши, ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, иш жараёнида мустақил равишда асосланган қарорларни қабул қила олиши керак. У тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиб, янги билимларни мустақил эгаллай олади. Ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш, соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув кўникмаларига эга бўлиш ҳам ўша мазмуннинг давомидир.

— Стандартлар тўла равишда амалга оширилса, қандай натижаларни кутишимиз мумкин?

— Сиз берган бу саволни ўта муҳим деб ҳисоблайман ва унга ДТСда аниқ жавоблар келтирилган. Таълим йўналиши бўйича бакалавр олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга, тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга ҳақлидир. Айниқса, биринчи имкониятнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 343-сонли Қарорининг 6-бандига мувофиқ.

Муайян бакалавриат йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун давлат таълим стандартларида таълим дастури мазмунига бўлган талаблар мос равишда ойдинлаштирилади. Бунда ҳар бир ўқув фани бўйича талаба ўзининг олган билимларидан амалиётда фойдаланади. Албатта, ёш кадрнинг ўз соҳасини пухта эгаллашида, унга йўл-йўриқ кўрсатишда ҳар бир меҳнат жамоаси ўз имкониятларини ишга солиши керак. ОТ ДТС яна бир қатор меъёрий ҳужжатлар тезкорлик билан яратилишини талаб этади. Олий таълим муассасалари бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун тасдиқланган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари асосида иш бошладилар. Ўйлаймизки, давлат таълим стандартлари ижросини таъминлаш кадрлар сиёсатини амалга оширишдаги муҳим қадам бўлади.

Суҳбатдош
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

"СЕНДАН ҲАРАКАТ, МЕНДАН БАРАКАТ"

Тойлоқ туманидаги 26-мактабда ўқиб юрган кезларимда "Маърифат" газетасининг 2000 йил 8 апрель сонида 1999 йил қабул имтиҳонларининг якунларига бағишланган ДТМ таҳлили берилганди. Унда туманимиз бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топшириб, балл тўплаган ўқувчилар ичида энг паст самарадорлик — 22,69 фоиз бизнинг мактабимизда қайд қилинган эди.

Бу натижаларни бир мен эмас, балки бошқа ўқитувчилар ҳам ўқиб хафа бўлишган ва мактабимизнинг нафақат туманда, вилоятда, ҳаттоки, республикада мавқеини кўтаришга ахд қилишган эди.

Уларнинг орзу-интилишлари ўз мевасини берганлигига ҳозирда гувоҳ бўлиб турибмиз. Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бир нафар, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетида икки нафар, СамДУ Ўзбек филологиясида икки, инглиз филологиясида бир нафар, Кооператив институтида бир нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинди. Шунингдек, олти нафар синфдошларим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳларига ўқишга кириб, таҳсил олишмоқда.

Бу натижа мактабимиз мавқеини кўтарса ажабмас. "Сендан ҳаракат, мендан баракат" деганлари шу бўлса керак.

Умар АСРОРОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

САРАЛАРНИНГ САРАЛАРИ

Яқинда Хоразм вилояти ёшлар ва ўсмирлар ижодиёт Маркази ва Урганч шаҳридаги 24-санъат гимназиясида Республика халқ таълими вазирлиги, "Тасвирий оина" уюшмаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган "Конституциямиз — бахтимиз" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда шаҳар ва туман босқичларида муваффақият қозонган истеъдодли ўқувчиларнинг иншо, баён, диктантлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўриб чиқилди.

Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлашда бир оз қийналишди. Чунки улар эътиборига ҳавола қилинган ишларнинг кўпчилиги таҳсинга сазовор эди. Шундай бўлса-да, ниҳоят энг сара ишлар аниқланди. Иншолар бўйича Боғот туманидаги 3-лицей-интернатининг 10-синф ўқувчиси Шаҳло Саидова, баёнлар бўйича Янгибозор туманидаги 16-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Марҳабо Авезова, диктантлар бўйича Урганч шаҳридаги 27-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Шаҳноза Отаева ғолиб деб топилди. Тасвирий ва амалий санъат асарлари бўйича эса Урганч шаҳридаги 21-лицей ўқувчиси Мирзажон Қаландаровга ғолиблик насиб этди.

Бахтиёр МАХМУДОВ,
Хоразм вилояти

Иштирокчилар ихтисосий иқтидорини, дарс усули ва тажрибаларини намоён қилар эканлар, уларда фидойилик фазилатлари яққол сезилиб турди.

Биз миллий мафкурамизни шакллантириб, миллий давлатчилигимизни ривожлантириш йўлидан борар эканмиз, аввало, ана шу ўзбекона қадриятларга таянамиз.

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА АКС ЭТГАН ЛАҲЗАЛАР

ёхуд ривожланаётган таълим кўриги



(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш жоизки, кун сайин ривожланиб бораётган технологиялардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш бугунги куннинг асосий талабидир. Чунончи, иштирокчиларнинг компьютер "сир"ларидан қанчалар хабардор эканликларини баҳолаш босқичи 23 сентябрь куни РТМда ўтказилди. 5 баллик тизим асосида баҳолаб борилган ушбу босқичда Жиззах вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Рефератлари ва кўргазмали қуроллари мавзуларини ҳимоялашда эса Бухоро ва Жиззах вилояти вакиллари чиқишлари кўпчиликка маъқул бўлди.

24-25 сентябрь кунлари эса иштирокчиларнинг Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчилари ҳузуридаги дарс ўтиш маҳоратлари синчиклаб кузатиб борилди. Биринчи дарсни қашқадарёлик иштирокчи Шаҳло Ибрагимова 8-"Е" синфда ўтказди. Муаллима бунда рус адабиётининг жозибасини, И.А.Крилов масалларининг тарбиявий аҳамиятини саҳна кўринишлари, ўқув-техника қуроллари воситасида моҳирона кўрсата билди... Шу зайлда иштирокчиларнинг бир-бирини такрорламайдиган очиқ дарслари навбатма-навбат кузатилди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир дарсда турли усул ва услублар намоён бўлди. Маҳорат ва тажриба акс этган лаҳзаларни, яъни ўқитувчининг фанини илмий-назарий билиши, ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган педагогик маҳорати, дарсда кўргазмали қуроллар ва бошқа воситалардан фойдаланиб ўқувчи билим самарадорлигини ошира билиши, дарс мазмунига миллий истиқлол ғояларини сингдириш услуби, ўқувчи билимини рейтинг тизимида баҳолашларини ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати батафсил баҳолаб боришди. Ўрнида очиқ дарс ўтувчиларнинг жузъий камчиликлари ҳам айтиб ўтилди.

Очиқ дарсларни кузатар эканмиз, иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига хос янгиликка интилувчан, назарий билимли ва услубиёт жиҳатидан маҳоратли эканликларини қайд этиб бордик.

Очиғи, биз икки кун ҳайратлар уммони мавжлариаро кўмилдик. Иштирокчилар ўз иқтидорларини, дарс усули ва тажрибаларини намоён қилар эканлар, уларда фидойилик фазилатлари яққол сезилиб турди.

Демакки, бугун бўладиган кўрик-танловнинг якуний қисмида беллашув иштирокчилари танлов шартларини бажаришда ҳар бир балл учун ўзларида бор маҳоратларини ишга солишлари кутилаяпти. Ғолибларнинг ғолибига эса ниҳоятда катта совға берилиши мўлжалланаётир. Хуллас, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги тантаналари давом этаётган кунларда ўтказилаётган "Йил ўқитувчиси-2001" республика кўрик-танлови ўзига хос жиҳатлари билан кўпчиликка манзур бўлиши ва у таълим тараққиётида муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиздир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда: танлов жараёнидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 21-ўрта умумтаълим мактабида "Кичик ўқитувчилар" тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Уни мактабнинг тил-адабиёт муаллимаси Мамлакат Шукурбоева бошқаради. Тўгарак мактабда самарали фаолият кўрсатаётган 12 та тўгаракнинг бири ҳисобланади.

Ушбу тўгаракда олиб борилаётган ишларнинг самараси ўлароқ, таълим муассасасида яна бир янгилик жорий этилибди. Бу янгилик ўқувчилар орасидан сайлаб қўйиладиган ички бошқарув тизимидир. Мактабга тажрибали мураббий Ойширин Бозорова директорлик қилгани ҳолда, жамоа яна бир жажжи директорига эга. Маликахон Соатова 7-синфда аъло баҳоларга ўқиётганлиги ва намунали хулқи туфайли кичик директор вазифасига сайлаб қўйилган. 6-синф ўқувчиси Жамолжон Абдувалиев илмий бўлим мудири ҳисобланса, 8-синф ўқувчиси Дилбар Мардонова директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳисобланади. Ҳар бир синфда ўқитувчидан ташқари ўқувчилар орасидан ҳам синф раҳбарлари фаолият кўрсатади.

«КИЧИК ЎҚИТУВЧИЛАР» ТЎГАРАГИ

"Ўқувчилардан ташкил топган бу бошқарув тизими, — дейди мактаб раҳбари Ойширин Бозорова, — ўз-ўзини бошқаришнинг қулай воситаси бўлиб, бу нафақат ўқувчиларда, балки ўқитувчиларда ҳам фаоллик уйғотади. Чунки, бу тизим ўқитувчилар фаолиятига ҳам ўзининг баҳосини бериши мумкин".

Дарҳақиқат, бугун ушбу таълим даргоҳида олиб борилаётган ижобий ишлар анча қўламли. Мактаб туманда биринчи бўлиб таъмирлаш ишларини сифатли тугатганлиги учун Халқ таълим вазирлиги томонидан яқинда 120 та стол-стул жамланмаси билан таъминланди. Мактабда инглиз тили ва тарих фанлари чуқур ўргатилади. Ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланиши ўтган йили 98 фоизни ташкил этган эди. Бу йил ушбу кўрсаткични юз фоизга етказиш учун ҳаракат қилинмоқда. Таълим-тарбияда самарадорликка эришишда мактабнинг Г.Бултакова, А.Абдурасулова, М.Шукурбоева, Г.Намозова, З.Абсатова, Ф.Бекмирзаев сингари изланувчан ва тажрибали мураббийларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Мактаб қошида ташкил этилган "Қўғирчоқ театри" кўшни мактаб ва боғчаларда ҳам ўз асарларини намойиш этиб, ёш томошабинларни хушнуд этмоқда.

"Абдулла Қодирий", "Барака", "Бек" каби деҳқон-фермерлар уюшмалари мактаб эҳтиёжи учун маблағ ажратиб, ҳомийлик кўрсатиб келмоқда. Барча янгилик ва ўзгаришларни тезда илғаб, амалиётга тўғри тадбиқ этиб келаётгани боис ҳам ушбу мактаб туманнинг энг яхши мактабларидан бири ҳисобланади.

И.БЎРИБОЕВ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази қошида бугунги кунда 863 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Тўгаракларга жами 17357 нафар ўқувчи жалб этилган. Бу тўгаракларнинг асосийлари деб тоғ сайёҳлиги, ёш экологлар ва ўлкашунослар, ўлкашунос-санъатшуносларни айтиш мумкин.

Яқинда ушбу Марказда "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад тўгарак аъзолари билан ўтган ўқув йилида ва ёзги таътилда қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, тўгаракларда қилинадиган келгуси ишларни режалаштириб олиш эди.

Ушбу тадбирда тоғ-сайёҳлиги, ёш экологлар ва ўлкашунослар тўгараги ўқувчилари ва уларнинг раҳбарлари иштирок этишди. Болалар бутун йил давомида бажарган ишларидан: гербарийларни, кўргазмали плакатларни, тўгарак давомида чизган суратларини, сайёҳлик давомида топган турли кўринишдаги ғайриоддий тошларни жамлаб, Марказ фойесида кичик кўргазма ташкил қилишибди.

Тадбирнинг байрам қисмидан сўнг Тошкент туманидаги 9-мактаб, Тошкент шаҳридаги 138-мактаб, Қибрай туманидаги 46-мактаб ўқувчиларидан иборат тўгарак аъзолари очиқ машғулотлар ўтказишди. Бу машғулотларда асосан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тоғ сайёҳлиги пайтида турли вазиятларга тушиб қолганда тўғри йўл танлай билиш, саёҳат давомида доривор ўсимликлар, ноёб қушлар ва ҳайвонлар тўғрисида маълумот йиғиш каби мавзуларда суҳбат бўлиб ўтди. Тўгаракларр раҳбарлари Ю.Петухов, Х.Расуловлар болалар билан ишлашда уларнинг қобилияти, дунёқарашидан келиб чиқиб иш кўриш кераклиги ҳақида гапирдилар.

Тадбир ниҳоясида ушбу тўгаракларда фаол иштирок этган тўгарак раҳбарлари ва ўқувчиларга Марказнинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

Ш.МАДРАҲИМОВА

Saxovat

ЎЗБЕКЛИГИМИЗ КЎРКИ

Айни кунда ҳомийлар ва илмпарвар кишилар томонидан зиё масканларига биронбир совға ҳадя этилиши анъанага айланиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Яқинда Ҳамза туманидаги 156-мактаб ўқувчилари ҳам ана шундай қувончли, ҳаяжонли лаҳзаларни бошдан кечиришди. Гап шундаки, ушбу илм маскани ўқувчиларига 233 минг сўмлик дарсликлар тўпламлари "O'z-Silm" уюшмаси томонидан ҳадя этилди.

Дарсликлар тўпламларини топшириш маросимида ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи А.Зокиров,

ДУО ОЛИНГ, КАМ БЎЛМАЙСИЗ

ТШХББ бошлиғи муовини А.Собиров ҳамда "O'z-Silm" уюшмаси Бош директори Махмут Бал ва бошқалар иштирок этишди.

— Дарсликлар ўқувчилар учун катта совға бўлди, — деди меҳнат фахрийси Ризолатхон ая Болтабоева. — Айниқса, 2 ва 3-синфларда таълим олаётган невараларим Нурхон ҳамда Назокатлар роса севинишди.

* * *

Шунингдек, дарсликлар тўпламларини топшириш маросимлари ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 292-мактабда, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 28-мактаб ҳамда Ўртачирчиқ туманидаги 26-мактабларда ҳам ўтказилди. Улар учун "O'z-Silm" уюшмаси томонидан 467000 сўмдан ортиқ пул маблағлари сарфланди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Mulohaza

Биз бугунги кунда миллий қадриятларимиз, узбекона одатларимиз, шарқона маънавиятимиз ҳақида кўп гапирамиз. Бунинг боиси шундаки, биз аслимизни, ўзбеклигимизни, қонимизга сингиб, вужудимизни қамраб олган миллий қадриятларимизни унутишни асло истамаймиз. Одоб, муомала, ҳаё, поклик, яхшилик — булар ўзбеклигимизнинг кўркидир. Биз миллий мафкурамизни шакллантириб, миллий давлатчилигимизни ривожлантириш йўлидан борар эканмиз, аввало, ана шу ўзбекона қадриятларга таянамиз.

Инсондаги яхши фазилатларнинг олийси — одоб. Ҳар қандай эзгу иш одобдан бошланади. Одоб ўзбекона маънавиятимиз асоси. Ҳар қандай хатти-ҳаракат одоб доирасида бўлгани маъқул. Бироқ шуни очиқ эътироф этиш керакки, бизнинг миллий маънавиятга асосланган одоб қоидаларимиз коммунистик ғоя ҳукмронлик қилган йилларда ва айниқса, индивидуалликка асосланган Ғарб демократияси ижтимоий ҳаётнинг янги моддаси сифатида кириб келган қайта қуриш даврида анча заифлашиб қолган эди. Бу заифлашишнинг салбий жиҳатлари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳам очиқ-маънавиятнинг тўғри йўлига тушиб олдик.

Узбекона маънавиятнинг ғўзаллиги шундаки, фикр эркинлиги деган тушунча одоб доирасида гапириш мумкин деган маънони англатади. Яъни фикр баён қилганда чуқур мулоҳаза билан ҳеч кимни, ҳеч бир миллатни, ҳеч бир динни, ҳеч бир давлатни камситмай, ҳеч кимнинг шахсиятига тегмай ва жисмоний камчилигидан кулмай ҳар бир сўзни андиша билан ўз ўрнида ишлатиш лозим. "Сўз ичра мудом ақл яшириндир, сўз чимилдиғу ақл келиндир" деган эди Шарқнинг доно шоири Носир Хисрав.

XX асрда Ғарб давлатларида таркиб топган демократияда эса одоб ва фикр эркинлиги бошқача тушунилади. Яъни, буюк давлатчилик ва буюк миллатчилик ғояларини очиқ тарғиб қилиш, бошқаларни камситиш, узгаларнинг диний эътиқодига ва маънавиятига ҳурматсизлик, катталарни сенсирашиш, ота-онага ақл ўргатиш, беадабликка, беҳаёлик, манманлик ва такаббурлик руҳида гапириш Ғарб демократиясида индивидуал фикр эркинлиги тушунчасига киради. Халқимизнинг миллий маънавиятига бутунлай ёт бўлган бундай одоб қоидаларининг кимга кераги бор? Бу ҳақда ҳар биримиз чуқур ўйлаб, мушоҳада қилиб кўришимиз ва хулоса чиқаришимиз зарур.

Одоб ширин сўзликдан бошланади. Одам айтадиган гапини ўйлаб, оҳиста ва юмшоқ қилиб сўзлагани маъқул. Бу мезонга, айниқса, ота-онага, катта ёшли инсонларга, устозларга ва атрофдагиларга муомалада қатъий амал қилиш зарур. Афсуски, баъзан автобус, поезд, трамвай, метро, бозор ва бошқа жамоат жойларида ёшларнинг катталарга муомалаларини кўриб хафа бўлиб кетасан, киши. Ҳар куни эрталаб Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туманлардан ёшлар, асосан, талабалар поезд ҳамда автобусларда пойтахтга ўқишга қатнашади. Тушдан кейин эса шу йўсинда уйларига қайтишади. Уларнинг айримлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб олиб йўлда шу даражада сурбетлик қилишадики, асти қуяверинг. Асосий ўринларни эгаллаб олиб, кейинроқ чиққан қариялар ёки ёш болали аёллларга жой беришмайди. Қайтага уларга "тор жойга тиқилмай кейингисида кетсангиз бўлмайдими" деб танбеҳ беришади. Бунинг устига қариялар "вой болам, шамоллаб қоламан, очма" дейишларига қарамай автобуснинг тепа туйнукларини очиб қўйишади. Автобус жойидан жилганидан кейин эса баланд овозда латифа бошланади. Ҳеч кимдан хайиқмайдиган "мард" йигитчалар уятли латифалар айтишади, ҳеч кимдан уялмайдиган "иболи" қизлар бўлса узларини тиёлмай беҳаёлик қилишади. Бундай манзарани фақат Тошкент шаҳри атрофига қатнайдиган транспорт воситаларида эмас, балки вилоятлардаги шаҳарларга қатнайдиган автобусларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мен айрим ёшларнинг узбекона одоб меъёрларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларини Тошкентдан Урганч, Беруний, Тўрткўл шаҳарларига қатнайдиган автобусларда ҳам кузатдим.

Ёки, бошқа бир ҳолатни олинг. Фақат Тошкентда эмас, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам тиззадан юқори шўртик кияётган йигитларнинг ҳамда тиззадан юқори юбка ёки ён томонлари кесилган кўйлак кияётган қизларнинг кўпайиб бораётганлигига нима дейсиз? Бу одобсизлик ёки миллий қадриятларга ҳурматсизлик эмасми? Одоб ва ҳаё инсон маънавиятининг кўркидир. Шундай экан, фарзандларимизни узбекона одоб руҳида тарбиялашни аввало оилада, қоларверса, мактаб, лицей, коллеж, институт каби билим даргоҳларида режали тарзда ташкил этиш зарур. Акс ҳолда оғизда миллий қадриятларимиз билан армонсиз фахрланиб, амалда эса бой маънавий меросимиздан, узбекона ҳаёт тарзимиздан йироқлашиб кетамиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Юртбошимизнинг "улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти" деган сўзларида катта маъно бор. Демак, улуғ аждодларимиз билан фахрланиш бошқаю улар қолдирган маънавий меросдан ибрат олиш бошқа. Бу меросга тўғри муносабат эса оддий узбекона одобдан бошланади.

Иброҳим НОРМАТОВ
"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:
13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи;
13.00.08 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва усулияти
Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун:
13.00.08 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва усулияти

Ҳужжатлар 2001 йил 1 ноябргача қабул қилинади:

Керакли ҳужжатлар:
- Институт ректори номига ариза;
- Шахсий варақа;
- Таржимаи ҳол;
- Иш жойидан тавсифнома;
- Ихтисослик бўйича реферат;
- Диплом ва баҳолардан нусха;
- Меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- Нашр этилган илмий ишлар рўйхати;
- Аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки Давлат аттестация комиссиясининг баённомасидан кўчирма (Агар олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса);
- 4 дона фотосурат (3-4), конверт, тез тиккич.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 7-уй, 7-қават Аспирантура бўлими. Телефонлар: 136-22-12, 136-23-27.

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН
"Ўрта мактабда иқтисодиётни ўқитиш методлари" семинарида қатнашиш учун очиқ танлов эълон қилади

Иқтисодиётни ўқитиш бўйича интенсив таълим курси ўз ичига учта беш кунлик семинарни олган бўлиб, қуйидаги олти вилоятнинг ҳар бирида ташкил этилади: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қорақалпоғистон.

Танловда ўрта мактабларда иқтисодиётни ўқитиш бўйича 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ўқитувчилар иштирок этиши мумкин.

Танловда қатнашиш учун махсус анкета шаклини ва қуйидагиларни илова қилиш лозим:
- иш жойидан маълумотнома;
- иштирок этишдан мақсад (бир бетдан ошиқ эмас);
- бир дарс ишланмаси

Анкета шакли ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Очиқ жамият институти — Ўзбекистон, Тошкент ш., Зарбоғ кўч., 31, (мўлжал "Россия" меҳмонхонаси).
Тел.: (371)1523698, 1522741, 1523915, 1523916, 1523933. Факс: (371)1206854 мувофиқлаштирувчи **Светлана Тенга**.
E-mail: Svetlana @ osi/uz.
Ёки:

Қорақалпоғистон Республикаси малака ошириш институти қошидаги Иқтисодий таълим маркази. Манзил: 742000. Нукус ш., Восточная кўч. 36/1; (361)2242204, 2177228. **Алибетов Нагмет**. E-mail: udasa @ Nukus, freenet. uz (2001 й. 10 октябргача).

Урганч шаҳридаги 3-мактаб-гимназия Тел: (26222) 6-64-17 **Райхон Гулякова** (2001 й. 27 октябргача)

Фарғона ш., Фарғона Давлат институти, тел.: (3732) 242715, 242871. Юнусов Алишер Рузматович (2001 й. 22 октябргача)

Гулистон ш., вилоят малака ошириш институти, тел.: (3672) 250054. **Ибадуллаева Гульшан Садиевна** (2001 й. 22 октябргача)

Самарқанд ш., вилоят малака ошириш институти, тел.: (3662)214834, 336939. **Бозоров Нафас** (2001 й. 15 октябргача)

Ҳамма иншоларда беғуборлик, самимийлик, куюнчаклик, Орол тақдирига ачиниш бор. Мен иншоларда зўрма-зўракилик, қалбакилик, ясамалик йўқлигига хурсанд бўлдим.

Тадқиқотчилар хулосасига кўра, телефон орқали хабар узатиш аҳоли ўртасида нутқ маданиятининг бузилишини авж олдирар экан.

ҚАЛБГА БИТИЛГАН ИНШОЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Меҳмонлар Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Марказида кутиб олинди.

Ғолибларни тақдирлаш маросими эса юқорида айтиб ўтганимиздек, Республика таълим маркази биносида бўлиб ўтди.

Тантанани GEF Агентлиги Ўзбекистон Миллий ишчи гуруҳи раҳбари Бахтиёр Назаров очди ва олиб борди. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов, GEF Агентлигининг техник директори У. Бўронов, Агентликнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш "В" компоненти директори Қ. Бозов, "Маърифат" газетаси Бош муҳаррири Ҳалим Саидовлар мазкур танловдан кутилган натижа қандай эдию, ижобий натижалар қандай бўлди, иншолардаги ўзига хосликлар, болаларнинг, бобо-момоларнинг сувга бўлган муносабатлари ҳақида гапиришди. Ҳамда ғолиб ўқувчиларни табриклашди.

GEF Агентлигининг техник директори У.Бўронов ғолиб ўқувчиларга Агентлик томонидан таъсис этилган Фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалар ҳамда пул мукофотларини топширди. 3 та биринчи ўринга 30 минг сўмдан, 3 та иккинчи ўринга 20 минг сўмдан, 3 та учинчи ўринга 15 минг сўмдан, 6 та рағбатлантирувчи мукофот сохибларига 6 минг сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Иншоларни ўқиб, саралашда адабиёт ўқитувчилари, журналистлар, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, Агентлик ходимларидан ташкил топган нуфузли ҳакамлар ҳайъати иш олиб борганди. Улар ҳам GEF Агентлигининг алоҳида мукофотларига сазовор бўлишди. Бу мукофотларни Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов эгаларига топширди.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 273- мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Маҳмуда Валиева ҳам ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлганди. Биз у кишидан ҳакамлик қилишда кўпрок нималарга аҳамият берганликлари ҳақида сўрадик.

—Мен қўлимга 42 та иншо олганимда, дастлаб чўчигандим. Вой-бў, бу иншоларни қачон ўқиб чиқаману, қайси бирини яхшига ёки аълога баҳолайман, деб. Лекин иншолар шу қадар пухта, равон, асосли далиллар билан, режага қатъий амал қилиб ёзилган эканки, бир кечада ухламасдан ҳаммасини ўқиб чиқибман. Бу иншоларда сувнинг аҳамияти, асраб-авайлаш кераклиги, Оролни сақлаб қолиш учун қандай ишларни амалга ошириш зарурлиги ҳақида гапирилган. Ҳамма иншоларда беғуборлик, самимийлик, куюнчаклик, Орол тақдирига ачиниш бор. Мен иншоларда зўрма-зўракилик, қалбакилик, ясамалик йўқлигига хурсанд бўлдим.

Ўқувчилар ушбу тадбир ташкилотчилари, тенгдошлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бирга давра суҳбати ўтказишди. Давра суҳбатида "Иншо ёзиш давомида қандай манбалардан фойдаландингиз?", "Орол денгизини қуришдан сақлаб қолиш мумкинми?", "Сув ҳақида қандай ибратли ривоятлар эшитдингиз?", "Ўзингиз ҳам сув ва уни тоза сақлаш, эъзозлаш тўғрисида янги ҳикоя, шеър ижод қилдингизми?" деган кўплаб саволларга жавоб беришди.

Айниқса, Андижон вилояти Асака туманидаги 46- мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ихтиёр Қўлдошевнинг сув, унинг мўътабарлиги ва муқаддаслиги ҳақидаги фикрлари ҳамда айтиб берган қуйидаги тўртлиги барчани қизиқтирди ҳамда йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

Нон гадоси бўлганмиз,
Пул гадоси бўлганмиз,
Сув гадоси бўлишдан,
Ўзинг асра, Худойим?

Мана шу тўртликни эшитиб таъсирланган Агентликнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш "В" компоненти директори Қ.Бозов қўл соатини Ихтиёрга тақиб қўйди.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Бобур Абдуллаев ҳазрат Навоий асарларида келтирилган сув ҳақидаги мушоҳадаларнинг нақадар теранлигини, фалсафий фикрга бойлигини айтиб ўтди.

—Мен иншо ёзиш давомида бобомиз Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини синчиклаб ўқиб чиқдим. Бобомиз "Сув — ёруғликдир" деган эканлар. Ёруғлик эса ҳаёт демакдир. Фарҳоднинг тоғу тошларни кесиб, Ширининг юртига сув келтириши эса бутун бир халққа, элу юртга ёруғлик келтиришидир. Сувнинг азиз ва муқаддаслиги ҳақидаги фикрлар нафақат Навоий бобомиз битикларида, қадимий қўлёзмалардан бири бўлган "Авесто"да ҳам учрар экан.

Болалар сувни тежаш, ундан унумли фойдаланиш ҳақидаги кўпгина таклифлар билан чиқишди. Худди газ, электр энергияси ҳисоблагичлари каби сув ҳисоблагичлар ўрнатиш зарурлигини, кўчаларда беҳуда оқиб ётган сувларни кўрганда водопровод жўмракларини беркитиб қўйиш кераклигини, ука-сингилларига сувнинг обиҳаёт ва улуғ нарса эканлигини доимо уқтириб бориш зарурлигини айтишди.

Орол дардини юракдан ҳис қилган ўқувчилар, унинг фалокатига, шундай аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлган омилларни ҳам санаб ўтишди. Орол денгизининг юзага келиши, унинг мавжланиб-мавжланиб оққанлиги ҳақидаги бир-бирини такрорламаган, бир-биридан қизиқарли ривоятлар ва афсоналарни сўзлаб беришди. Сув ҳақидаги шеърлар мушоираси эса ҳаммасидан қизиқарли бўлди.

...Шундан сўнг ўқувчилар Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат қилишди. Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйиш, Темурийлар тарихи Давлат музейи томошаси, Хотира майдонини зиёрат қилиш болалар ёдида бир умр сақланиб қолса керак.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Xullas...

УЯЛИ АЛОҚА "КАСАЛЛИГИ"

Дунёнинг у бурчагидаги мамлакат билан тўғридан-тўғри боғланмоқчимисиз, марҳамат, сизга уяли алоқанинг бир қанча хили хизматда. Ҳаттоки ривожланган давлатларда чўнтак телефонидан мактаб ўқувчилари ҳам фойдаланишмоқда.

Ҳар тўкисда бир айб деганларидек, энг қулай алоқа воситасининг ҳам ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган зарарли томонлари йўқ эмас. Тадқиқотчилар хулосасига кўра, телефон орқали хабар узатиш аҳоли ўртасида нутқ маданиятининг бузилишини авж олдирар экан.

Она тилидаги сўзларнинг чала-ярим талаффуз қилиниши, айрим ҳарф ва товушларнинг тушириб қолдирилиши, умуман, ёзишмалар — хат, телеграмма, суровномаларнинг телефон гарданига юкланиши саводсизликка борган сари кўп йўл очмоқда.

Буюк Британияда ҳар уч боладан биттаси мобил алоқасидан фойдаланади. Ҳаттоки 10-11 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг чўнтак телефонга "утиши" қандай оқибатларга олиб келар экан! Ўқувчилар ўртасида олиб борилган тест якунлари 100 фоиз курсаткич бермади. Уларнинг бор-йўги 54 фоизида ёзма саводхонлик, 78 фоизида матнни тўғри ўқиш қайд этилди.

Тадқиқотчилар олинган натижани ҳукумат ҳукмига ҳавола этишни лозим, деб топдилар.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАЛАМ ҲАҚИ

Американинг собиқ президенти Билл Клинтон оладиган қалам ҳақи унинг етти авлодига етса, ажаб эмас. Давлат раҳбарининг нашриётлардан ўз мемуарлари учун оладиган қалам ҳақи 10 миллион долларни ташкил қилар экан.

Клинтон энг йирик нашриётлар билан шартномани яқиндагина тузди. Ноширларнинг таъкидлашича, қараганда, Клинтоннинг шахсий ҳаёти ва давлатни бошқаришдаги фаолияти акс эттирилган китоб икки миллион нусхадан кам чоп этилмайди. Мемуар 2003 йилда китобхонлар қўлига тегади. У нафақат китоб ҳолидаги асардир, балки театрлаштирилган ҳолда экран юзини ҳам кўради.

Шундай қилиб, собиқ президент қалам ҳақи масаласида Рим папаси Иоанн Павел (8,5 млн $), рафиқаси Хилдари хоним (8 млн $)ларни "йўлда" қолдириб кетди.

БИР ТОННАЛИК ҚАЛАМ

Қалам нари борса бир қарич келадиган ёзув қуроли. У фақат қораламалар учун. Қаламни бир тоннадан зиёд оғирликда ясашнинг зарурати бормикан?

Гап шундаки, "Фабер" компаниясининг бошлиги граф Антон фон Фабер-Кастель жаноблари уз фарзандлари учун дунёдаги энг улкан қаламни ишлаб чиқариб фахрланмоқда. 12 метрли бу қалам Германиянинг Штайн шаҳрида жойлашган. Унинг оғирлиги 1200 кило, яъни 1 тоннаю 200 кг.

Фабер ишлаб чиқарган қалам ёзув-чизув учун бўлмаса керак. Уни фақат томоша қилиш ва ҳайратланиш мумкин.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

"ЮНУСОБОД" РИНГИДА

Ўтган ҳафта Ўзбекистон ҳаваскор ҳамда профессионал бокс Федерациялари АҚШнинг Millenium Events Inc промоутермин ташкилоти билан ҳамкорликда "Юнусобод" спорт мажмуида профессионаллар ўртасида бокс мусобақаларини уюштирди. Унда иштирок этган ҳамюртларимиз М.Абдуллаев, Р.Чагаев ва Қ.Тўғонбоевлар муддатидан олдин ғалабага эришдилар.

ҒОЛИБГА "NEXIA"

Шу йил 28-29 сентябрь кунлари Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича 5-Халқаро турнир Термиз шаҳрида бўлиб ўтади. 20 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрувчи полвонлар 4 вазнда беллашади ва турнирнинг мутлақ ғолибига Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини — "Nexia" автомобили топширилади.

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

"Пахтакор"да ЖЧ-2002 саралаш ўйинларининг биз учун энг "яраш-маган" учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси БАА футболчиларига муносиб рақиб бўла олмади — 0:1. Ушбу натижа терма жамоамизга "туҳфа" этилган ЖЧда қатнашиш имкониятини йўққа чиқарди, дейиш мумкин.

Бизга нима етишмадийкин: тажрибами, ташкилотчиликми ёки ориятми?!

"ЎМИД НИҲОЛЛАРИ" БОШЛАНДИ

Республикамизда энг оммавий тус олиб бораётган "Умид ниҳоллари" — мактаб ўқувчиларининг спорт мусобақалари дастлабки босқичига жойларда старт берилди. Ҳозирда синфлараро бўлиб ўтаётган ўйинлар мактабларараро, туман(шаҳар)лараро ва вилоятларараро давом этади. Мусобақалар ҳақида "Маърифат"да ўқиб боринг.

КАРАТЭЧИЛАР МАШВАРАТИ

Тошкентдаги "Олимпия шонушуҳрат" музейида Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Анжуманда, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов сўзга чиқиб, битта спорт турининг ўзидан 200 та медалнинг қўлга киритилганлиги катта ютуқ, лекин каратэнинг ҳали очилмаган қирралари кўп эканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг низомга кўра ташкилотнинг раҳбар органлари сайлови ўтказилиб, Н.Нафасов федерация президентлигига қайта сайланди.

ҲАСАН-ҲУСАНЛАР МАКТАБИ

Ҳасан-Ҳусан Ёрлаевларни Чироқчи туманидаги Чиял қишлоғида қишлоқдошлари миллионер Ҳасан-Ҳусанлар дейишади. Ака-ука ўзларининг меҳнатлари, елиб-югуришлари орқали ана шундай ном олишган. Ҳовли тўла қўй-эчки, қорамол ҳам бисёр, машинани ҳам энг сўнгги нусхадагисидан миниб юришади. Ака-ука қишлоқдан 4 километр наридаги мактабга қатнаб, қийналиб катта бўлишган эмасми, қўлларида тўпланган унча-мунча маблағни мактаб қуришга сарф қилишга киришишди.

Шу кунларда Ҳасан-Ҳусанлар қурилишига ўзлари бош бўлган мактабга компьютер келтириш ҳаракатида юрибдилар.

Қашқадарё вилояти "Туркистон-пресс"

ТАЛАБАЛИК МУБОРАК

Эндигина олтин даврини бошлаган йигит-қизлар учун 1-Тошкент педагогика коллежида 22 сентябрь куни "Талабаликка қабул қилиш" байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда коллежнинг 1-курсига қабул қилинган ёш йигит-қизлар талабалик қасамёдини қабул қилишди.

Ёшларни талабалар сафига қабул қилингани билан коллеж директори Мунаввар Исмоилова, коллеж битирувчиси, "Зулфия" мукофоти совриндори Дилдора Пулатова ҳамда ота-оналар қизгин муборакбод этдилар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, табрик сўзига чиққан аксарият, ота-оналар ҳам шу коллежнинг собиқ талабалари эди. Талабалик қасамёдининг тантанали равишда қабул қилиниши, унга байрамона тус берилиши, талабалар онгида умрнинг ажойиб онлари сифатида муҳрланишига шубҳа йўқ. Маросимда талабаларнинг бир хил ўқув либосида эканлиги эса яна бир ибрат оларли ҳодисадир. Тадбирнинг иккинчи қисмида коллеж бадиий ҳаваскорлик жамоаси ажойиб қуй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Тадбир якунида барча талабалар бугунги кунда ёшлар мадҳиясига айланиб улгурган Ю.Усмонованинг "Ҳеч кимга бермаймиз сени Узбекистон" қўшиғини ижро этишди.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 2001 йилнинг октябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари — 2.10.2001-29.10.2001.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 2.10.2001-29.10.2001.
3. Мактабгача таълим муассасаси логопедлари — 8.10.2001-27.10.2001.
4. Янги типдаги мактабгача таълим муассасаси мутахассислари — 8.10.2001-20.10.2001.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва "Темурийлар тарихи Давлат музейи" ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади. Курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона тингловчилар хизматида бўлади. Болалик тингловчилар учун курсда болалар хонаси мавжуд. Суткали ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси. Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" (охирги) бекати.

Н.НАЗАРБОЕВ КУБОГИ — ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИДА

Рапқонлик бокс мураббийси, спорт устаси Рустамжон Мажидов ва унинг шогирдлари эришаётган муваффқиятлар ҳақида кўп ёзиш керак. Яқинда Қозоғистоннинг Алмати вилоятидаги Каскален шаҳрида Президент Н.Назарбоев соврини учун 1985-86 йилларда туғилган ёшлар ўртасида бокс бўйича нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда қозоқ жамоасидан ташқари Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон боксчилари иштирок этишди. Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон терма жамоаси мазкур халқаро турнирга жуда пухта тайёргарлик кўрди. 24 боксчи ва мураббийлар Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри спорт базасида салкам бир ой синов машғулотлари ўтказдилар.

Каскалендаги мусобақалар муросасиз, кескин ва жуда қизиқарли кечди. Ёш ўзбек боксчилари ўзларининг нимага қодир эканликларини намойиш этишди. Фарғона вилоятидан бир киши — Р.Мажидовнинг рапқонлик шогирди 81 кг вазнли Азизбек Раҳмоновгина танлаб олинган эди. Азизбек ишончни оқлаб, қозоқ диёрида ўзини кўрсатди. У барча жангларда ғолиб чиқди ва финалда 2-3 йилдан буён мағлубият нималигини билмай келаётган қозоғистонлик боксчи А.Қоратоевга рўбарў келди. Унинг авлодида машҳур боксчилар кўп экан, ўз юртида бўлаётган жангда ғолиб бўлиш учун А.Қоратоевга имкониятлар катта. Хуллас, рингнинг у тарафида А.Қоратоев, бу тарафида А.Раҳмонов. Ўртада иккиси учун ҳам энг азиз саналган — ўз Ватанининг шаъни!..

Азизбек жонажон Ватани — Ўзбекистон довруғини яна бир бор узоқларга таратди! Қозоқ боксчисини ўз ватанида мағлубиятга учратди. Азизбек туфайли Ўзбекистон, Фарғона, Рапқон номлари қайта-қайта тилга олинди, довруғи довон ошди. Ватанимизнинг 3 нафар ёш боксчиси турнирнинг олтин медали ва Президент соврини билан тақдирландилар. Уларнинг бири водийдан борганлар ичида ягона чемпион — Азизбек бўлса, 2 нафари Жиззах вилояти боксчилари А.Умаров ва М.Қиёсовлар эди.

Р.МИРЗАҚУЛОВ, Ш.ВАЛИЕВ

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2001 йилнинг октябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар	— ўзбек	— 2-13
2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар	— ўзбек	— 2-13
3. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар	— ўзбек	— 15-27
4. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар	— ўзбек	— 2-13
5. Мутахассислиги чет тили (рус, инглиз ва ҳоказо) бўлган директорлар	— ўзбек	— 2-13
6. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар	— ўзбек	— 15-27
7. Директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар	— ўзбек	— 8-27
8. Туман(шаҳар) ХТБ мудирининг маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари	— ўзбек	— 2-13
9. Ташхис маркази психологлари	— ўзбек	— 2-13
10. Туман(шаҳар) ХТБ метод кабинет мудирлари учун янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича (рейтинг ва тест тизими, мониторинг) курс	— ўзбек	— 15-27
11. Туман(шаҳар) ХТБ ўзбек тили ва адабиёти фани методистлари учун ДТС, УУТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига татбиқ	— ўзбек	— 15-27
12. Туман(шаҳар) ХТБ чет тиллар методистлари учун ДТС, УУТ ўқув дастури ва тестни таълим жараёнига татбиқ	— ўзбек	— 15-27
13. Туман(шаҳар) ХТБ методистларини 8-синф география фани ўқув қўлланмаси бўйича қайта тайёрлаш	— ўзбек	— 15-27
14. Туман(шаҳар) ХТБ синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича назоратчилари	— ўзбек	— 2-13
15. ЧЁТ раҳбарлари курси	— рус	— 15-27
16. Спорт мактаби тренер-ўқитувчилари (кураш бўйича)	— ўзбек	— 2-13
17. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари ва кимё-биология фани ўқитувчилари	— ўзбек	— 2-13
18. Ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатларнинг меҳнат таълими ўқитувчилари	— ўзбек	— 15-27
19. ПХМОИлари "Манавият ва қўшимча таълим" бўлими мудирлари	— ўзбек	— 22-27
20. ПХМОИлари педагогика кафедраси ўқитувчилари учун янги педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллаш бўйича (рейтинг, тест, мониторинг) курс	— ўзбек	— 15-20
21. "Одобнома" фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш (маърузачилар) курси	— ўзбек	— 29.10-3.11
22. "Ватан туйғуси" фанидан дарс берадиган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш (маърузачилар) курси	— ўзбек	— 29.10-3.11

Эслатмалар:

1. Педагогика олийгоҳларига "Йўл ҳаракати қоидалари"дан дарс берувчи ўқитувчиларнинг қайта тайёрлов курси 24 сентябрдан 6 октябргача муддатда ўтказилади.

2. "Одобнома" ва "Ватан туйғуси" фанлари бўйича қайта тайёрлаш курслари "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий истиқлол ғоясини таълим-тарбия жараёнига сингдиришни такомиллаштириш" билан боғлиқ 2001 йил 22 июнда берган кўрсатмалари ижросини таъминлашга қаратилган Халқ таълими вазирлигининг тадбирлари асосида ўтказилади. Шу курсларга МОИларидан 1 нафар ва илғор ўқитувчи ёки методистлардан 1 нафардан тингловчи келиши лозим.

3. Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш йўлкира ҳақи фақат темир йўл ва автобус чипталари асосида тўланади. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари тингловчилари учун шартнома бўйича ҳам йўлкира ҳақи тўланади, агарда у юридик жиҳатдан тасдиқланган ҳужжат тақдим этса (келиш жойидан).

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог олимлар ўқув режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва «Темурийлар тарихи Давлат музейи», Хотира, Шаҳидлар майдонлари ҳамда бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

4. Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт, акс ҳолда тингловчилар курсларга қабул қилинмайди ва қайтариб юборилади.

5. Тоифага мос келмаган тингловчилар қайтарилганда, сафар харажатлари тўланмайди.

6. Кечикиб келган тинловчилар истисно тарикасида ўқиган кунлари учун фақат маълумотнома бериш шарти билан қабул қилиниши мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент—95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.

Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача.

1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1984 йилда Тойчиева Мавлуда Азамбаевна номига берилган ЖТ-1 № 092635 рақамли ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси тумандаги 261-мактабгача таълим муассасасининг мудираси

Суима МИРСОАТОВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2817. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.